



БАНК ЛИКВИДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Поёнов Бобир

Тошкент Кимё халқаро университети

ORCID: 0009-0003-0154-2362

b.poyonov@tsue.uz

Аннотация. Ушбу мақолада трансформация жараёнида мамлакатимиз тижорат банклари ликвидлигини таъминлашни такомиллаштиришнинг хориж тажрибаси асосида хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш йўллари, банк ликвидлигининг моҳияти, ривожланиш тарихи ҳамда банк ликвидлигини ривожлантириш истиқболларини такомиллаштириш ҳақида сўз боради. Хусусан, мақолада тижорат банклари ликвидлигини таъминлашни такомиллаштиришнинг хориж тажрибасини жорий этиш асосида банklar фаолияти самарадорлигини оширишдаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича муаллиф тавсиявий ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.

Калит сўзлар: Базель, тижорат банки, банк ликвидлиги, ликвидлик, инновация, банк хизматлари, самарадорлик, инновацион хизматлар, банк назорати.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ УЛУЧШЕНИЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ БАНКОВ ЛИКВИДНОСТЬЮ

Поёнов Бобир

Ташкентский международный университет Кимё

Аннотация. В данной статье будет рассказано о способах повышения эффективности предоставляемых услуг, сущности банковской ликвидности, истории развития и перспективах развития банковской ликвидности на основе зарубежного опыта повышения ликвидности коммерческих банков нашей страны в процессе трансформации. В частности, в статье представлены существующие проблемы в повышении эффективности банковской деятельности на основе внедрения зарубежного опыта повышения ликвидности коммерческих банков, а также авторские рекомендательные подходы и предложения по их устранению.

Ключевые слова: Базель, коммерческий банк, банковская ликвидность, ликвидность, инновации, банковские услуги, эффективность, инновационные услуги, банковский надзор.

FOREIGN EXPERIENCE IN IMPROVING BANKS' LIQUIDITY PROVISION

Poyonov Bobir

Kimyo International University in Tashkent

Abstract. This article discusses ways to improve the efficiency of services provided, the concept of bank liquidity, and the history and prospects of its development based on foreign experience of increasing the liquidity of commercial banks during the transformation process. It also presents existing problems in enhancing banking operations based on introducing foreign experience, as well as the author's recommendations and suggestions for solving them.

Keywords: Basel, commercial bank, banking liquidity, innovation, banking services, efficiency, innovative services, banking supervision.

Кириш.

Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш мақсадида банк тизимини ислоҳ қилиш, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини ва ишончлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилиб келинаётган ислохотлар ҳозирги даврда ўзининг натижаларини намоён этмоқда.

Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг талаблари молиявий-иқтисодий инқирознинг олдини олиш, тижорат банкларининг маблағлари етарлилиги ва ликвидлилиги даражаси кўрсаткичини қўллаб-қувватлаш учун восита эканлиги тасдиқланмоқда. У банк ликвидлилигини мустаҳкамлашнинг назарий ва услубий асосларини такомиллаштириш борасида узоқ муддатли бой тажрибаларга эга. Хусусан, қўмитанинг бу борадаги муҳим ютуқларидан бири банк ликвидлилигини тартибга солиш ва бошқаришда такомиллашган тизимнинг яратилганлиги ҳамда ликвидлилик рискининг юзага келишининг олдини олиш ва уни бошқариш саналади. Бугунги кунда нафақат ривожланган мамлакатларда, балки ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ҳам Халқаро Базель қўмитасининг назарий ва услубий асосларидан фойдаланиш банк ликвидлилигини мустаҳкамлашнинг таянч воситаси вазифасини бажармоқда.

1. Ҳозирда аксарият хорижий мамлакатлар банк тизимида инқирознинг салмоғи сезиларли даражада ортиб бормоқда. Хусусан, бундай салбий тенденциялар Греция, Ирландия, Португалия, Испания, Кипр каби мамлакатлар банк тизимида жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда (esb.europa.eu, n.d.). Бу эса, мамлакат банк тизимининг ликвидлилик даражасини мустаҳкамлаш учун, аввало, пул бозорини шакллантириш, муддатли барқарор ресурс базасини мустаҳкамлаш, банк активлари сифатини ошириш, банк ва филиалларнинг вакиллик ҳисобварақларида маблағлар етишмаслигини молиявий ресурслар билан таъминлаш, юқори ликвидли қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестициялар улушини кўпайтириш, банкларга бўлган ишончни ошириш, банклар ўртасида рақобатбардошликни кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Халқаро банк амалиёти тажрибаси кўрсатдики, банкнинг ликвидлилиги бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишда ликвидлиликни мустаҳкамлашнинг замонавий усуллари танлаб олиш тақозо этилади, чунки улар банкнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ келади ҳамда банкнинг молиявий аҳволини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилади.

Айни пайтда жаҳон бозор муносабатларининг шаклланиши шиддат билан кескин ривожланмоқда. Халқаро Базель Қўмитаси банк ликвидлилигини кузатиш даврида уни мустаҳкамлашга, глобалликка асосланган ҳолда мустаҳкамлашга ўз эътиборини қаратмоқда. Замонавий технологиялар ва молиявий янгиликлар банклар фаолиятини молиялаштириш, уларнинг ликвидлилигини мустаҳкамлашда янги тавсиявий

воситалар ишлаб чиқиш, шунингдек, депозитларга нисбатан ишончликнинг пасайиши ёки улгуржи фондларга нисбатан ишончликнинг ортиши, жаҳон молия бозорида муаммоларнинг пайдо бўлиши банкларнинг ликвидлигини мустаҳкамлаш учун янги воситалар ва усулларни ишлаб чиқиш заруриятини тақозо этди. Шу сабабли банк ликвидлигини мустаҳкамлаш ҳамда ликвидлилик рискининг пайдо бўлишининг олдини олиш ва уни самарали бошқаришга доир Қўмитанинг тавсиявий принциплари ва усуллари бўйича тадқиқот ўтказиш зарурияти мавжуд.

Адабиётлар шарҳи.

Тижорат банклари ликвидлигини таъминлаш борасида иқтисодчи олимларнинг қатор ёндошувлари мавжуд, хусусан, Учаев ва Коваленколарнинг (2013) хулосасига кўра, тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашда жалб қилинган ресурсларнинг таркиби ва депозит базасининг барқарорлиги муҳим ўрин тутди: асосий депозитларнинг жами депозитлардаги улуши қанчалик юқори бўлса, банкнинг ликвидлиги ҳам шунчалик юқори бўлади; муддатли ва жамғарма депозитларига талаб қилиб олинadиган депозитларга нисбатан юқори фоиз тўланади; муддатли ва жамғарма депозитларига тўланадиган фоизлар банкларда турлича бўлиб, уларда ҳаракатланишга мойиллик кучли бўлади.

Стародубцеванинг (2014) фикрича, тижорат банкларининг ликвидлигини банкнинг ликвидли позицияси асосида баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Бунда банкнинг ликвидли позицияси деганда унинг пуллик талаблари ва мажбуриятлари ўртасидаги нисбат тушунилади, агар миқдорларга бўлган талаб мажбуриятлардан юқори бўлса, ортиқча ликвидлилик ҳосил бўлади; агар мажбуриятлар талаблардан юқори бўлса, ликвидлиликнинг етишмаслиги юзага келади.

Ларионованинг (2016) фикрича, тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашда эҳтимолий ёки кутилаётган пул оқимлари муҳим ўрин тутди ва уларнинг асосини қуйидагилар ташкил этади:

- аниқ ижро этиш муддатига эга бўлмаган шартномалар бўйича пул маблағлари ҳаракати;
- ҳозирча тузилмаган, аммо тузилиш эҳтимоли юқори бўлган шартномалар бўйича кутилаётган пул маблағлари ҳаракати;
- прогноз қилинмайдиган ҳодисалар ва режалаштирилмаган операциялар билан боғлиқ бўлган пул оқимлари.

Абдуллаева (2018) банкларнинг мажбуриятлари таркибида муддатли маблағлар улушини ошириш орқали уларнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш масаласини тадқиқ қилган.

Таъкидлаш жоизки, халқаро банк амалиётида Базель қўмитаси томонидан тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини баҳолаш мақсадида ишлаб чиқилган кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади.

Банк назорати бўйича Базель қўмитаси (1998) “ликвидлилик - бу активларнинг ўсишини молиявий ресурслар билан таъминлаш, сўндириш муддати келган мажбуриятларни йўқотишларсиз бажаришда банкнинг имконияти” мазмундаги фикрларни тавсия қилади. Ушбу халқаро даражадаги тавсиявий ҳужжатда ликвидлилик атамаси жаҳон банк амалиётига хос таърифланган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим Қоралиевнинг (2006) фикрича, «банк ликвидлиги – ўз активларини нақд пул сифатида ишлатиши ёки уларнинг номинал қийматини сақлаб қолган ҳолда пул маблағларига тезда айлантириш йўли билан мавжуд молиявий мажбуриятларни қоплай олиш қобилиятидир». Саттаров (2008) «банк ликвидлиги – бу банкнинг жорий ва келажакдаги мажбуриятлари ва тўловлари, кредит бўйича миқдорлар талаблари бажарилишини ўз вақтида ва миқдорда, активларни ҳеч қандай зарар кўрмасдан нақд пулларга айлантириш ёки мақбул нархларда ресурс сотиб олиш

қобилиятлар йиғиндисидир» мазмунидаги фикрни қўллаб-қувватлайди. Тарифларда банкнинг фаолиятига берилган умумий миқдорий баҳо, сифатли тавсиф, активларнинг ўсишини молиявий ресурслар билан таъминлаш, молия бозоридан асосий ва қўшимча ликвидли маблағларни мақбул нархда жалб қилиш, банк рискларини пасайтириш каби параметрлар ҳисобга олинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (2015) "Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйилган талаблар тўғрисида"ги Низомида "банкнинг ликвидлилиги – бу банк мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш имкониятидир" мазмунидаги фикрни эътироф этади. Ушбу Низомда банкнинг ликвидлилиги қисқа доирада таъриф берилган.

Юқорида келтирилган таърифлардан кўринадики, тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини баҳолаш тизимини тўғри шакллантириш ҳамда уни такомиллаштириш банкларнинг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш бўйича тўғри қарорлар қабул қилишда муҳим ўрин тутди.

Тадқиқот методологияси.

Мақолада илмий абстракциялаш, груҳлаш, қиёслаш, ретроспектив ва истиқболли, эмпирик таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Мақолада илмий абстракциялаш усули ёрдамида тижорат банклари ликвидлилиги таъминлашни такомиллаштиришнинг хориж тажрибасининг илмий ва амалий аҳамияти келтириб ўтилди. Шунингдек, қиёсий таққослаш усулида жаҳон амалиётида ва тараққий этган мамлакатларда ликвидликни таъминлаш асосида банклар фаолияти самарадорлигини ошириш усуллариининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мамлакатимиздаги мавжуд асослар билан таққослаб тегишли хулосалар шакллантирилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Базель-I стандартида тижорат банкларининг тўлов қобилиятини баҳолаш имконини берадиган икки кўрсаткич, яъни тижорат банклари регулятив капиталининг етарлилик коэффиценти ва тижорат банклари биринчи даражали капиталининг етарлилик коэффиценти ишлаб чиқилди.

Регулятив капиталнинг етарлилик коэффиценти қуйидагича ҳисобланади:

$$(K1) = PK / A_p$$

Биринчи даражали капиталнинг етарлилик коэффиценти қуйидагича ҳисобланади:

$$(K2) = I K / A_p$$

Бунда:

PK – регулятив капитал;

A_p – рискка тортилган активлар;

I K – биринчи даражали капитал.

Шуниси характерлики, халқаро банк амалиёти тарихида биринчи марта Базель-I стандартида тижорат банклари активлари риск даражасига кўра, бир-биридан тубдан фарқ қиладиган гуруҳларга ажратилди ва регулятив капитал икки қисмга ажратилди.

Базель-I стандартига мувофиқ, тижорат банкларининг активлари риск даражасига кўра тўрт гуруҳга ажратилди:

Биринчи гуруҳ: 0 %ли риск даражасига эга бўлган активлар:

– банк кассаларидаги миллий ва хорижий валютадаги нақд пуллар;

– тижорат банкининг Марказий банкдаги «Ностро» вакиллик ҳисобрақами қолдиғи;

– Марказий банкда қайта ҳисобга олинadиган тратталар;

– ҳукуматнинг 90 кунгача муддатдаги қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар;

- Марказий банк ва ҳукуматга нисбатан талаблар;
- Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) аъзолари бўлган давлатларнинг ҳукуматлари ва Марказий банкларига талаблар;
- ИХРТга кирувчи давлатлар банкларида депонент қилинган ва нақд пул билан таъминланган маблағлар.

Иккинчи гуруҳ: 20 %ли риск даражасига эга бўлган активлар;

- банкларнинг мамлакат банкларидаги ва хорижий банклардаги «Ностро» вакиллик ҳисобрақамларидаги пуллар;
- тижорат банкларининг ҳукуматнинг 90 кундан ортиқ муддатдаги қимматли қоғозларига қилинган инвестициялари;
- флоут;
- ИХРТга аъзо давлатларда расман рўйхатдан ўтган банклар ҳамда бошқа депозит ташкилотларининг кредитлари ва кафолатлари;
- тижорат банкининг халқаро молия институтларига берган кредитлари ва бошқа талаблари.

Учинчи гуруҳ: 50 %ли риск даражасига эга бўлган активлар:

- банклар томонидан берилган ипотека кредитлари;
- ИХРТ мамлакатларида расман рўйхатга олинган банкларга нисбатан талаблар;
- ИХРТ мамлакатларида расман рўйхатга олинган банкларнинг кредитлари билан таъминланган бошқа барча активлар;
- тижорат банкининг ИХРТ мамлакатлари маҳаллий ҳокимият органларига нисбатан талаблари;
- тижорат банкининг халқаро молия институтларига нисбатан талаблари;
- халқаро молия институтлари томонидан эмиссия қилинган қимматли қоғозлар билан таъминланган активлар;
- тижорат банкининг ИХРТга аъзо бўлмаган мамлакатларининг ҳукуматлари ва Марказий банкларига нисбатан талаблари.

Тўртинчи гуруҳ: 100 %ли риск даражасига эга бўлган активлар:

- тижорат банклари томонидан корпоратив қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар;
- мижозларга берилган кредитлар;
- асосий воситалар;
- бошқа активлар;
- банк томонидан қўйилган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар;
- банк томонидан берилган кафолатлар;
- тузилган форвард битимлари;
- тижорат банки томонидан берилган опционлар ва фьючерслар.

Базель-I стандартида тижорат банкларининг регулятив капитали икки қисмга ажратилди ва банклар фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбалари биринчи даражали капитал таркибига киритилди:

- устав капиталининг тўланган қисми (айрим акциядорлар таъсис шартномасида кўрсатилган мажбуриятини бажаришмайди, яъни банкнинг устав капиталига қўйиш лозим бўлган улушини қўйишмайди);

- қўшилган капитал ёки эмиссион даромад (қўшилган капитал фақат янги акция чиқарилганда ҳосил бўлади, чунки янги чиқарилган акциялар номинал қийматида эмас, балки бозор баҳосида сотилади);

- захира капитали (у тижорат банкининг устав капиталига нисбатан маълум фоизда шакллантирилади);

- ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси (бу фойданинг мутлақ озод қолдиғи бўлганлиги, яъни кредиторларнинг унга талаби мавжуд бўлмаганлиги сабабли Базель қўмитаси уни биринчи даражали капитал таркибига киритган);

– консолидациялашган шўъба компаниялар акцияларининг назорат қилинмайдиган қисми;

– банкнинг нокумулятив имтиёзли акцияларини сотишдан олинган маблағлар.

Базель-I стандартининг талабига мувофиқ, тижорат банклари томонидан муомалага чиқариладиган нокумулятив имтиёзли акциялар қуйидаги олтита талабга жавоб бериши керак:

– нокумулятив имтиёзли акциялар уни сотиб олган субъектга ҳам фоиз кўринишида, ҳам дивиденд кўринишида даромад келтиради;

– нокумулятив имтиёзли акциялар дивиденд олиш ҳуқуқини берса ҳам, овоз бериш ҳуқуқини бермайди;

– нокумулятив имтиёзли акциялар муддатсиз бўлади;

– нокумулятив имтиёзли акциялар уни сотиб олган шахснинг хоҳишига кўра, банкка қайтариб топширилиши мумкин эмас;

– акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан нокумулятив имтиёзли акцияларга фоизлар тўланмаслиги мумкин;

– нокумулятив имтиёзли акцияларга тўланмаган дивидендлар кейинги йилларда тўлаб берилмайди.

Базель қўмитасининг талаби бўйича тижорат банкларининг иккинчи даражали капитали таркибига қуйидагилар киритилди:

– кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг тижорат банки активларининг рискка тортилган суммасининг 1,25 фоизидан ошмайдиган қисми;

– икки йилдан ортиқ муддатга чиқарилган субординациялашган қарз мажбуриятлари;

– қайта баҳолаш захираси;

– жорий йилнинг соф фойдаси.

Кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг иккинчи даражали капитал таркибига киритиладиган қисми тижорат банки активларининг рискка тортилган суммасининг 1,25 фоизидан ошиб кетмаслиги керак. Агар кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари суммаси тижорат банки активларининг рискка тортилган суммасининг 1,25 фоизидан кам бўлса, у ҳолда захира суммаси тўлиқ иккинчи даражали капитал таркибига киритилади.

Базель қўмитасининг талаби бўйича субординациялашган қарз мажбуриятлари банклар томонидан чиқарилган облигация кўринишида бўлади. «Субординация» сўзи «бўйсунуш» деган маънони англатади. Ушбу облигацияларга нисбатан субординация сўзининг ишлатилишининг сабаби, банк банкрот бўлганда, ушбу облигацияларнинг эгалари ўз пулларини банкнинг бошқа қимматли қоғозларининг эгаларидан кейин олади. Шу маънода олганда, субординациялашган қарз мажбуриятининг эгалари банкнинг бошқа қимматли қоғозларини сотиб олган субъектларга нисбатан бўйсунувчи ҳолатдадир.

Шуниси характерлики, ернинг эгаси давлат бўлган мамлакатларда банклар жойлашган ерлар қайта баҳоланмайди. Чунки тижорат банкида ўзи жойлашган ерга мулкчилик ҳуқуқи мавжуд эмас. Шу сабабли, бундай давлатларда тижорат банкларининг фақат асосий воситалари қайта баҳоланади.

Молиявий йил сўнгида тижорат банклари даромадларининг харажатларидан ортиб қолган қисми жорий йилнинг соф фойдаси ҳисобланади. Базель қўмитаси соф фойдани дивидендлар тўлангунга қадар иккинчи даражали капитал таркибида ҳисобга олишга рухсат берган. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан дивидендлар тўлангандан сўнг соф фойда банкнинг балансида қолмайди.

Базель-II стандартида тижорат банкларининг тўлов қобилиятини баҳолаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги янги талаблар жорий этилди:

– тижорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан талабларни кредит, бозор ва операцион рискларнинг даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаш жорий қилинди;

– контрагентда ҳосилавий қимматли қоғозлар, РЕПО битими бўйича юзага келадиган кредит рисклари даражаси ҳам капиталнинг етарлилигини баҳолашда ҳисобга олинadиган бўлди;

– кредит рискин баҳолаш бўйича стандартлашган ёндашув жорий этилди. Унга кўра, кредит рискининг даражаси кредит олган мижознинг кредит рейтингига қараб аниқланадиган бўлди.

1-жадвал

Базель-III стандартида тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини баҳолаш бўйича таклиф қилинган янги кўрсаткичлар

Кўрсаткич номи	Ҳисоблаш методикаси	Меъёрий даражаси, %
Капиталнинг ҳимоявий «консервация буфери»	Регулятив капиталга нисбатан тах 2,5%	2,5
Контрциклик буфер капитали	Регулятив капиталга нисбатан тах 2,5%	0 – 2,5
Ликвидлилики қоплаш меъёри коэффиценти	Юқори ликвидли активлар	100
	Кейинги 30 кун ичидаги соф чиқим	
Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти	Барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси	100
	Барқарор молиялаштиришнинг зарур суммаси	

Манба: Basel Committee (2010)ю

Ғарбий Европа мамлакатлари амалиётига 2010 йилда Базель-III стандарти жорий қилинди. Ушбу стандартда тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини баҳолаш бўйича янги кўрсаткичлар таклиф қилинди (1-жадвал).

1-жадвал маълумотларига кўра, Базель-III стандартида тижорат банкларининг ликвидлилигига ва тўлов қобилиятига нисбатан талаблар кескин оширилган. Капиталнинг ҳимоявий консервация буфери ва контрциклик буфернинг шакллантирилиши ҳамда соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффицентининг жорий этилиши тижорат банкларининг тўлов қобилиятини сезиларли даражада ошириш имконини берса, ликвидлилики қоплаш меъёри коэффицентининг жорий қилиниши банкларнинг ликвидлилик даражасини оширишга хизмат қилади.

Тижорат банклари активларининг сифат кўрсаткичи меъёрий талаблар даражасида бўлишини таъминлашда рискка тортилган активлар суммасининг ўсиши билан жами капиталнинг ўсиши ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Агар рискка тортилган активлар ўсиш суръатининг жами капиталнинг ўсиш суръатидан ортда қолишига йўл қўйилса ва қисқа вақт ичида ушбу ҳолатга барҳам берилмаса, у ҳолда, тижорат банкида активларнинг сифат кўрсаткичи кескин пасаяди. Натижада, банк рейтинг баҳосининг кескин пасайиши ҳолати юз беради.

Фикримизча, тижорат банкларининг тўлов қобилиятини баҳолашда, юқорида қайд этилган кўрсаткичлардан ташқари, регулятив капиталнинг ўсиш суръати билан рискка тортилган активларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносиблик кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятининг муҳим методологик асосларидан яна бири «CAMELS» рейтинг тизимидаги тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятига нисбатан талаблар, уни таъминлаш принциплари ҳисобланади.

Тижорат банклари фаолиятини баҳолашнинг «CAMELS» рейтинг тизими 1978 йилда АҚШ Молия институтлари бўйича Федерал хизматининг Эксперт кенгаши томонидан қабул қилинган ва 1996 йилда қайта кўриб чиқилган.

2-жадвал

«CAMELS» рейтинг тизимида банкларнинг капитал етарлилиги бўйича рейтинг

Рейтинг	1-даражали капиталнинг етарлилик коэффиценти	Регулятив капиталнинг етарлилик коэффиценти
Рейтинг 1 (кучли)	4 % дан анча юқори	8 % дан анча юқори
– капитал кўрсаткичлари гуруҳ банклари ичида энг яхшиси бўладиган бўлса; – банкнинг инспекцион текширувида банк активлари сифати юқори баҳоланган бўлса.		
Рейтинг 2 (қониқарли)	4 % дан сезиларли даражада юқори	8 % дан сезиларли даражада юқори
– капитал кўрсаткичлари бўйича гуруҳ банклари ичида ўртачадан юқори бўлса; – банкнинг инспекцион текширувида банк активлари сифати ўртачадан юқори ёки қониқарли баҳоланган бўлса.		
Рейтинг 3 (ўрта)	4 % даражасида	8 % даражасида
– капитал кўрсаткичлари бўйича гуруҳ банклари ичида энг камида ўртача бўлса; – банкнинг инспекцион текширувида банк активлари сифати ўртача деб баҳоланган бўлса.		
Рейтинг 4 (чегаравий)	4 % дан сезиларсиз даражада паст	8 % дан сезиларсиз даражада паст
– капитал кўрсаткичлари бўйича гуруҳ банклари ичида ўртачадан паст бўлса; – банкнинг инспекцион текширувида банк активлари сифати яққол кучсиз ёки муаммоли бўлса.		
Рейтинг 5 (қониқарсиз)	4 % дан сезиларли даражада паст	8 % дан сезиларли даражада паст
– капитал кўрсаткичлари бўйича гуруҳ банклари ичида энг паст бўлса; – банкнинг инспекцион текширувида банк активлари сифати чегаравий ёки қониқарсиз деб баҳоланган бўлса.		

Манба: *federalreserve.gov. (n.d.).*

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, «CAMELS» рейтинг тизимида тижорат банкларининг фаолияти олтига кўрсаткич асосида баҳоланади:

С – капиталнинг етарлилиги;

А – активларнинг сифати;

М – менежмент даражаси;

Е – активларнинг фойдалилиги;

L – ликвидлилик;

S – бозор рискларига таъсирчанлик.

«CAMELS» рейтинг тизимида ҳар бир кўрсаткич 1 баллдан 5 баллгача шкала бўйича баҳоланади. Бунда энг юқори даражага 1 балл берилади, энг паст кўрсаткичга 5 балл берилади.

«CAMELS» рейтинг тизимида тижорат банкларининг тўлов қобилиятига нисбатан талаблар капиталнинг етарлилигига нисбатан талабларда намоён бўлади (1.3-жадвал).

Қуйидаги 2-жадвал маълумотларига кўра, «CAMELS» рейтинг тизимида тижорат банкига капиталнинг етарлилиги бўйича бериладиган рейтинг капиталнинг рискли активларга нисбатан даражасига ва активларнинг сифати кўрсаткичига боғлиқ. Капиталнинг етарлилик даражаси юқори бўлган тижорат банкларида регулятив капитал ва биринчи даражали капитал суммаси рискли активлар суммасига нисбатан

анча юқори бўлгани ҳолда активларнинг сифати камида 2 га тенг бўлиши, riskли активлар кўрсаткичи эса, 11 фоиздан юқори бўлмаслиги керак.

Капиталнинг етарлилик даражаси энг паст бўлган банкларга 5 балл рейтинг баҳоси берилади ва ушбу банкларда зарарлар суммаси биринчи даражали капитал суммасидан катта бўлади. Юқоридаги маълумотлардан кўринадики, «CAMELS» рейтинг тизимида тижорат банкларининг ликвидлилик даражаси ликвидли активларнинг банк мажбуриятларини бажаришга етиши ёки етмаслиги сифатида қаралмоқда.

Хулоса ва таклифлар.

Амалга оширилган изланишларга асосланган ҳолда тижорат банкининг ликвидлиги – бу банк активлари ва пасивлари ўртасидаги мутаносиблик, жойлаштирилган активлар ва жалб қилинган ресурсларнинг муддатлари ўртасидаги мувофиқлик даражасидир.

Халқаро банк амалиётида Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини тавсифловчи қуйидаги кўрсаткичлардан кенг фойдаланилмоқда:

- ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффиценти;
- соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти;
- регулятив капиталнинг етарлилик коэффиценти;
- биринчи даражали капиталнинг етарлилик коэффиценти.

Тижорат банклари фаолиятини баҳолашнинг «CAMELS» рейтинг тизимида:

– тижорат банкига капиталнинг етарлиги бўйича бериладиган рейтинг капиталнинг riskли активларга нисбатан даражасига ва активларнинг сифати кўрсаткичига боғлиқ;

– тижорат банкларининг ликвидлилик даражаси ликвидли активларнинг банк мажбуриятларини бажаришга етиши ёки етмаслиги сифатида қаралади;

– бозор riskини баҳолаш ва бошқариш бўйича талабларнинг қўйилганлиги банкларнинг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлашнинг методологик асосларини такомиллаштиришда муҳим роль ўйнади.

Адабиётлар/Литература/References:

Стародубцева Е. Б. (2014) Основы банковского дела // – М.: Инфра-М, – С. 132.

Basel Committee (1998) Basel Committee on banking supervision. International convergence of capital standards. – Basel, <http://www.bis.org/publications>.

ecb.europa.eu, (n.d.) Европа Марказий банки расмий веб сайти – <https://www.ecb.europa.eu>

Абдуллаева С.А. (2018) Тижорат банклари тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш йўллари. И.ф.б. ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, – 53 б.

Қоралиев Т., Ғ.Яхшибоев (2006) Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий таъминлаш механизми. – Тошкент: Академия, – Б.98-99.

Ларионова И.В. (2016) Управление ликвидностью в коммерческом банке на основе денежных потоков. Банковский менеджмент. 5-е изд. – М.: КНОРУС, – С. 170.

Саттаров О.Б. (2008) Тижорат банклари ликвидлигини таъминлашни такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 18 б.

Марказий банк (2015) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14 - сонли (“Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2015. № 32, 141-152-б.

Учаева Е. А., Коваленко О. Г. (2013) Оценка ликвидности коммерческих банков по нормативам ликвидности Центрального Банка России // Вектор науки Тольяттинского государственного университета. Серия: Экономика и управление. № 1 (12). – С. 136.